

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2025 йил февраль ойининг 25 куни жиноят ишлари бўйича Учкўрғон туман судининг очик сайёр суд мажлиси Учкўрғон тумани, Саноат МФЙ биносида бўлиб, раислик қилувчи З.Расулов, Н.Хўжахоновнинг котиблигида, тарафлардан туман прокурори ёрдамчиси А.Абдуқодиров, айбланувчи Ғ..., жабрланувчиларнинг вакили С.Отажоновларнинг иштирокида, Ғ...га нисбатан бўлган 1-1609-2501/56-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Ғ... – 1989 йил 01 февраль куни Чортоқ туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Наманган шаҳар ИИБ ХПБ профилактика инспектори, [REDACTED] яшайди, муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 30.12.2024 йил куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланувчига нисбатан юритилган жиноят ишини кўриб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Айбланувчи Ғ... 2024 йил 2 сентябрь куни тахминан соат 12:20 да ўзининг бошқарувида бўлган “Матиз” русумли 50 P 329 МА давлат рақамли автомашинасини Наманган шаҳар, Даштбоғ маҳалласи, А.Темур кўчасида бошқариб кетаётиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмай, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 53-бандидаги “Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, манёвр қилиш, (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларини ҳаракатланишига хавф туғдирмаслиги керак”, 73-бандидаги “Ҳайдовчи ўзидан олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганида тўкнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралик масофани, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралик масофани сақлаши керак.”, 54-бандидаги “хайдовчи ёндош ҳудуддан йўлга чиқаётганида унда ҳаракатланаётган пиёдалар ва транспорт воситаларига шунингдек, йўлдан чиқишда ҳаракатланиш йўналишини кесиб ўтаётган пиёдалар ва велосипедчиларга йўл бериши керак” - деб кўрсатилган талабларни бажармай, йўлнинг қарама-қарши йўналишида ҳаракатланиб келаётган Собиржонов Самандарнинг бошқарувида бўлган “Кобалт” русумли 50 Н 947 ЕВ давлат рақамли автомашинасига йўл бермасдан тўкнашув содир этиб, йўл-транспорт ҳодисасини содир этган. Натижада “Кобалт” автомашинаси саломида бўлган Собиржонов Сарвар ва Собиржонов Самандарлар тан жароҳати олишига, транспорт воситаларига моддий зарар етказилишига сабабчи бўлган.

Суд-тиббий экспертизаси Наманган шаҳар бўлимининг 13.09.2024 йилдаги 6843/4524-сонли хулосасида Собиржанов Сарварни баданидаги жароҳати кўшма шикаст, бош мия ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши, чап сон суяги кўстлараро ёпиқ синиб силжиши, пастки лаб шиллик қавати, қон қуйилган жароҳати, тил чап ён томонида қон қуйилган тишланган жароҳати, пастки жағ ости, тўш соҳаси, кўкрак қафас олди, чап қўл кафт усти, ўнг қўл биллак, кафт ва бармоқлари, чап оёқ болдир соҳаси шилинган жароҳатлари, тўш соҳаси қон талаши аниқланди, ушбу жароҳатлар қаттиқ ўтмас жисм таъсирида қарорда кўрсатилган йўл-улов ҳодисаси воқелиги ва муддатида ҳосил бўлган бўлиши мумкинлиги, бу жароҳатлар умумий меҳнат қобилятини салмоқли қисмининг, яъни учдан биридан кўпроғини турғун йўқотилишига олиб келгани сабабли оғирлик даражаси бўйича оғир тан жароҳати гуруҳига кириши кўрсатилган.

Суд-тиббий экспертизаси Наманган шаҳар бўлимининг 13.09.2024 йилдаги 6844/4523-сонли хулосасида Собиржонов Самандарни баданидаги жароҳати кўшма шикаст, бош мия ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши, қорин ёпиқ шикасти, ингичка ичак ёрилиши, ўнг ошиқ суягини ёпиқ майдаланиб ва катта болдир суягини ички тўпиғидан ёпиқ синиб силжиши, ўнг қўл биллак кафт бўғими, чап қўл биллак, чап қўл тирсак бўғими, чап ёнбош, ўнг тизза бўғими олди шилинган жароҳатлари, ўнг тизза бўғими олди лат еган жароҳати аниқланди, ушбу жароҳатлар қаттиқ ўтмас жисм таъсирида қарорда кўрсатилган йўл-улов ҳодисаси воқелиги ва муддатида ҳосил бўлган бўлиши мумкинлиги, бу жароҳатлар ҳаёт учун хавфлилик тиббий мезонига кўра оғирлик даражаси бўйича ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати гуруҳига кириши кўрсатилган.

“КОНС ИНВЕНТАР БАХО” МЧЖнинг 2024 йил 12 октябрь кунги 531-7-сонли ҳисоботида “Кобалт” русумли 50 Н 947 ЕВ давлат рақамли автомашинасига 45.190.000 сўм моддий зарар етганлиги кўрсатилган.

Наманган вилояти ИИБ ЭКБнинг 17.12.2024 йилдаги 811-сонли судга оид транспорт-трассология экспертиза хулосасида тўқнашувнинг дастлабки вақтида “Матиз” русумли автомобиль ўз ҳаракатини йўлнинг “Кобалт” русумли автомобили ҳайдовчисига хавф сифатида ҳодиса жойигача бўлган масофани 2,0 сония давомида босиб ўтган бўлса, мазкур ЙТХ шароитида “Кобат” русумли автомобили ҳайдовчиси қарорда келтирилган 60,0 км/соат тезликда ҳаракатланиб ўз вақтида кескин тормоз бериш йўли билан ҳодисани олдини олиш техник имкониятига эга бўлмагани, мазкур ҳолатда 50 Н 947 ЕВ давлат рақамли “Кобалт” русумли ҳамда 50 Р 329 МА давлат рақамли “Матиз” русумли автомашина ҳайдовчилари амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”га асосан қандай ҳаракатланишлари лозим эди” - деган қисми иш ҳужжатларида мавжуд барча далилар, юқорида ўтказилган тадқиқот натижаси ва амалдаги “Йўл-ҳаракати қоидалари”га асосан тергов органи томонидан мустақил ҳал қилиниши лозимлиги кўрсатилган.

Судда айбланувчи Ғ... ҳамда жабрланувчиларнинг вакили С.Отажонов ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашди.

Айбланувчи Ғ... суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроор эканлиги, унга нисбатан жабрланувчиларнинг вакилини даъвоси йўқлигини, у билан ярашгани, жабрланувчиларни даволаниши ва уларнинг автомашинасини таъмирлаш учун кетган харажатларни тўлиқ қоплагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаб етганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчиларнинг вакили С.Отажонов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбланувчига ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, фарзандлари Собиржонов Сарвар ва Собиржонов Самандарларнинг даволаниши, отасини номида бўлган “Кобалт” русумли 50 Н 947 ЕВ давлат рақамли автомашинасига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, ҳозирда фарзандларини соғлиги яхшилигини, мазкур жиноят иши бўйича ўрталарида моддий зарар йўқлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, иш бўйича етказилган зарарни тўлиқ бартараф этса, жабрланувчиларнинг вакили билан ярашса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, айбланувчи Ғ... ҳамда жабрланувчиларнинг вакили С.Отажоновнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, туман прокурори ёрдамчисининг жиноят ишини ярашилганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, айбланувчи Ғ...нинг айбига тўлиқ иқроорлигини ва иш бўйича етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчиларнинг вакилига ҳеч қандай тазйиқ бўлмаганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инobatга олиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни, ажрим қонуний кучга киргач эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топади.

Шу билан бирга суд, жабрланувчиларнинг вакили С.Отажоновга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни;

ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этилган воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, чизма, фото суратлар, экспертиза хулосалари, воқеа жараёни тасвирланган 1 дона диск ва уни кўздан кечириш баённомаси, дастлабки тергов баённомалари, фото иловалар ва бошқа ҳужжатларни, шунингдек, иш ҳужжатларига илова қилинган 1 дона дискни жиноят ишида сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд,

АЖРИМ ҚИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган **Ғ...**га нисбатан жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчиларнинг вакили **С.Отажонов**га Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилҳат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этилган воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, чизма, фото суратлар, экспертиза хулосалари, воқеа жараёни тасвирланган 1 дона диск ва уни кўздан кечириш баённомаси, дастлабки тергов баённомалари, фото иловалар ва бошқа ҳужжатларни, шунингдек, иш ҳужжатларига илова қилинган 1 дона диск жиноят ишида сақлансин.

Ажримдан норози томонлар ўн сутка муддат ичида шу суд орқали Наманган вилоят судига апелляция тартибда шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

З.Расулов